

ПРИМОВ Соатмурод Уралович,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
илмий ишлар ва фан бўйича проректори,
фалсафа доктори PhD
Soatmurod_primov@inbox.ru

КАЛОМ ИЛМИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ

ВОПРОС ИЗУЧЕНИЯ НАУКИ КАЛАМ

THE MATTER OF STUDYING THE SCIENCE OF KALAM

Аннотация: Мазкур мақолада калом илмининг пайдо бўлиш тарихи, лугавий ва истилоҳий маънолари ҳамда ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Шунингдек, мутакаллим уламоларнинг калом илмини ўрганиш борасидаги қарашлари таҳлил этилган. Адашган фирқа ва оқимларга қарши курашда ва уларга раддиялар беришда калом илмининг аҳамияти очиқ берилган. Ҳозирги кунда мазкур масала юзасидан замонавий олимларнинг фикрлари баён қилинган.

Калит сўзлар: калом илми, мутакаллим, мантиқ, фалсафа, ақида, салафи солиҳ, мустаҳаб, вожиб, бидъат, сохта салафий.

Аннотация: В данной статье представлены сведения об истории возникновения науки калам, ее лексических и терминологических значениях, этапах ее развития. Также анализируются взгляды ученых по изучению науки калам. Значение науки калам раскрывается в борьбе и опровержении заблудшим сектам и направлениям. Высказаны мнения современных ученых по этому вопросу.

Ключевые слова: наука калам, мутакаллим, логика, философия, ақида, салаф салех, мустаҳаб, ваджиб, новшество (бидъат), псевдосалафит.

Annotation: This article provides information about the history of the emergence of the science of kalam, its lexical and terminological meanings, and the stages of its development. The views of scientists on the study of the science of kalam are also analyzed. The significance of the science of kalam is revealed in the struggle and refutation

of erroneous sects and groupings. The opinions of modern scientists on this issue are expressed too.

Keywords: science of kalam, mutakallim, logic, philosophy, aqida, salaf salih, mustahabb, wajib, bid'at, pseudo-salafit.

КИРИШ

Бугунги кунда калом илми тарихи, унинг моҳияти, мақсади, ўзига хос жиҳатлари ҳамда бугунги давримизда адашган тоифаларга раддия беришда унинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида энг тўғри маълумотларни халқимизга етказиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Калом илми ҳақида тарқалган баъзи нотўғри ва ноҳолис хабарлар таъсирига тушганларни иккига бўлиш мумкин. Биринчиси – калом илми ҳақида нотўғри фикрда бўлганлар ва аниқ фикрга келолмай шубҳада қолганлар. Иккинчиси калом илмини бидъат (диндаги янгилик), у билан шуғулланишни эса ҳаром, деб ишониб қолганлар. Шубҳада қолганларнинг шубҳаларини тарқатиб юбориш ва калом илмини ўрганишни ҳаром, дегувчиларнинг фикрини тўғрилаш учун энг биринчи навбатда калом илмининг моҳияти ва таърифини билиш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Калом” сўзи арабча бўлиб, луғатда гап, суҳбат, тил, сўзлашув, нутқ, баён маъноларини англатади. Истилоҳий маънода эса, мусулмоннинг диний эътиқоди ва дунёқарашини кўрсатиб берувчи таълимотга айтилади. Бошқача айтганда балоғатга етган мусулмон кишининг эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлардир.

Аллома Абул Муин Насафий (ваф. 508/1114) калом илмини куйидагича таърифлаган:

هو العلم بالعقائد الدينية عن الأدلة اليقينية

“Калом илми бу – қатъий далиллар билан собит бўладиган диний ақидалар тўғрисидаги илм” [10: 47]. Мазкур таърифдан куйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Калом илмида шариатдан ташқари мавзуларда баҳс қилинмайди. Унда фақат ислом шариатига доир масалалар ўрганилади.

Калом илмида ислом шариатининг асоси бўлган эътиқодий масалалар ҳақида баҳс юритилади. Фаръий-фикҳий масалалар ва одоб-ахлоққа доир мавзуларда баҳс қилинмайди.

Калом илми тушунчаси саҳобаларнинг ақидага доир таълимотларини ҳам ўз ичига олади. Гарчи у даврда эътиқодга доир илмлар “калом илми” деб номланмаган бўлса ҳам.

Калом илми фақат энг ишончли қатъий далилларга асосланадиган фан. Зонний (қатъий бўлмаган) далиллардан илми каломда фойдаланилмайди.

Аллома Абул Муин Насафий калом илмига берган ушбу таъриф аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг (712-793/1312-1391) “Шарҳ алмақосид” асарида ҳам айнан келтириб ўтилган [8: 163].

Тарихчи олим Абдурахмон ибн Халдун (732-808) ўзининг “Муақаддимату Ибн Халдун” асарида илми калом ҳақида бундай деган:
وهو علم يتضمن الحجج عن العقائد الإيمانية بالأدلة العقلية،
والرد على المبتدعة المنحرفين في الاعتقادات عن مذهب السلف وأهل السنة

“Калом илми бу – иймонга доир эътиқод масалаларини ақлий далиллар билан ҳимоя қилмоқ ҳамда эътиқодда аҳли сунна ва салафи солихлар мазҳабидан адашиб чиқиб кетган бидъатчиларга раддия қилишни қамраб олувчи илмдир” [1: 580].

Ибн Халдуннинг юқоридаги таърифидан кўра қуйидаги хулосаларни олиш мумкин:

Калом илми нақлий эмас балки ақлий-мантикий ҳужжатлар асосида иймон-эътиқодга доир масалаларни исботлайдиган ва ҳимоя қиладиган фан.

Калом илми салафи солихлар ва аҳли сунна мазҳабидан чиқиб кетган тўғри йўлдан адашган тоифаларга мантикий йўллар билан раддия беришни ўргатадиган фандир.

Калом илмининг қуроли соғлом ақл ва тўғри мантиқдир.

Юқорида калом илмига берилган иккита таъриф тақдим қилинди. Биринчи таъриф X/XVI асрга, иккинчи таъриф эса VIII/XIV асрга оид. Ҳар икки таърифга кўра, калом илми номи гарчи салафи солихлар даврида истеъмолда бўлмаган бўлсада, лекин моҳияти мавжуд эди.

Ҳозирги даврда энг кўп тарқатаётган фитналаридан бири калом илмини бидъат ва уни ўрганиш ҳаром деб иддао қилишларидир. Калом илми ва мутакаллим уламоларга энг кўп таъна тоши асосан сохта салафийлар тарафдан отилмоқда. “Имом Мотуридий адашган, Имом Ашъарийнинг ҳаёти ботил ақидада ўтган”, деган гаплар ҳам шу сохта салафийлар томонидан тарқатилмоқда. Ваҳоланки, бугунги кунда дунёда 1,5 миллиарддан ортиқ мусулмон мавжуд бўлса, шуларнинг қарийб 50 фоизи

ҳанафий-мотуридийларни ташкил қилади.

Мутакаллимлар ақида масалаларида салафи солихларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатга суяниб қолмай, баъзи фалсафий ва мантикий гапларни ҳам келтирганлар. Улар аввал ислом таълимотига биноан эътиқод қилиниши лозим нарсаларни айтиб туриб, уларнинг тўғрилигига ақлий далиллар келтиришга ҳаракат қилганлар. Имом Ғазолий бу борада ўртача йўл тутган ва калом илмида яхши тараф ҳам салбий тараф ҳам борлигини таъкидлаб, у билан фақат мутахассис олимлар шуғулланиши кераклигини таъкидлаган. Бу фикрларни тадқиқ қилиб ўрганган олимлар, калом илмига нисбатан салбий фикр билдирганлар ундаги нотўғри қарашларни танқид қилганлар. Уни мадҳ қилганлар эса фойдали тарафларини эътиборга олганлар. Шунинг учун унинг ижобий тарафларидан кўп нарсани ўрганса бўлади, деган. Имом Ғазолий ақида бобида Қуръони карим услуби энг фойдали ва осон экани ҳамда илми калом вақтинчалик чоралигини баён этган.

Калом илмининг моҳияти саҳобалар даврида ҳам мавжуд бўлган. Аммо у даврда бу фан калом илми деб номланмаган. Ҳатто бу фанга доир қоидалар, муқаддималар, тасаввуротлар ҳам тартибли шаклда китоб бўлиб ёзилмаган эди. Аллома Саъдуддин Тафтазоний ақида илмининг фан сифатида шаклланиши ва номланиш тарихини қуйидагича баён қилади: “Исломдаги дастлабки олимлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатларининг баракаси, у зоти шарифга замондошликлари, шариатга доир хабарларни бевосита Расулulloҳдан эшитиб билишлари ва ўша даврдаги воқеа-ҳодисларга ўзлари гувоҳ бўлишлари туфайли шариат илмларига доир масалаларни тартиблаб боб ва фаслларга ажратиб қоғозга туширишга эҳтиёжлари бўлмаган. У даврда янгича ечим талаб қиладиган воқеа-ҳодисалар, ихтилофлар ҳам деярли йўқ эди. Шунинг учун салафи солихлар шариатнинг ақидага доир илмларни ҳам, фикҳга доир масалаларни ҳам боб ва фаслларга ажратиб ёзиб чиқишмаган эди. Бу ҳолат то фикрий ихтилофлар, адашишликлар, янги-янги муаммоли воқеалар, фатволар кўпайгунига қадар давом этди. Одамлар орасида ихтилоф, бидъат, янги муаммолар кўпайгач эса олимлар шариат манбаларига кўпроқ назар қилишга, янги масалаларга ечим топиш учун ижтиҳод қилишга мажбур бўлдилар. Натижада бор илмий салоҳиятларини

ислом ақидавий масалаларни таҳқиқ қилишга ва ҳукмлар чиқаришга сарфладилар. Ақидавий масалалар ва уларнинг қоидаларини ёзишга, ҳужжатларини баён қилишга, масалаларини далиллар билан, шубҳали жойларини батафсил жавоблари билан ёритишга киришдилар. Шундай қилиб фаръиётга доир илмларни “фикх” деб, этикодга доир масалаларни эса “Фикҳи акбар” деб номлашди.

Кўпгина уламолар эса фандаги энг машҳур бўлимлар номидан келиб чиқиб амалиётни “Фикх” деб, этикодни эса “Тавҳид ва сифатлар илми” деб атади. Яна, ақида илмини “Илми калом” деб ҳам номладилар. Чунки бу илмдаги баҳслар соҳа аҳлининг энг кўп ишлатадиган “اذكروا ذلك في مال كل واحد” (бу ҳақдаги калом) деган сўзларининг манбаси эди. Шунингдек, ақида илмида энг кўп ихтилоф Аллоҳ таолонинг каломи хусусида бўлган. Аллоҳнинг каломи қадимми ё ҳодисми?, шу масала юзасидан жуда кўп тортишувлар бўлган. Фанга илми калом деб ном берилишига бу ҳам бир сабаб эди. Бундан ташқари бу фан билан шуғулланганларда этикодий масалаларини таҳқиқ қилишда ўзига хос сўзамоллик, гапга усталик шакллари эди. Худди фалсафада мантиқ илми гапга усталик иктидорини бергани каби. Яна бир сабаб шу эдики, бу фан одамлари орасида бошқа исломий фанлардан фарқли ўлароқ, муҳолифлар билан жуда кўп тортишув бўларди, уларга тинимсиз раддиялар берилар эди. Ва яна бу илмдаги ҳужжат далиллар бошқа илмларга нисбатан ўта кучли ва қатъий бўлгани учун ҳақ калом (гап) шу бошқаси эмас, дегандек даражага чиққанди. Худди икки гапнинг кучлироғига “гап шу, вассалом!” дейилгани каби” [9: 164-165].

Ислом таълимотини бузиб талқин қилиш натижасида уларга раддия сифатида олимлар калом, яъни ақида илмига асос қўйдилар. Бу мусулмонлар учун зарур соҳага айланди. Ҳар бир мусулмон киши буни билиши шарт бўлгани учун мажбурий илмга айланди.

Шунингдек, Саъдуддин Тафтазоний “Мақосид ат-толибин” асарида: “Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий ва ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечирish ва охирада азоб-укубатдан халос бўлишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир”, деб айтган.

Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Ихё улум ад-дин” номли асарида: “Чукур билимга эга

бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний этикодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир”, деган.

Шу ўринда салафи солиҳлардан илми калом ҳақида баъзи салбий фикрлар, бу фан билан шуғулланиш борасида танқидий фикрлар нақл қилинганини айтиб ўтиш лозим. Бунга ўхшаш танқидий фикрлар калом илмининг ашаддий танқидчилари бўлмиш замонамиз сохта салафийларидан жуда кўп билдирилади. Ушбу масала борасидаги эътирозларга Аллома Тафтазоний шундай жавоб берган:

وما نقل عن السلف من الطعن فيه فمحمول على ما إذا قصد الثَّعْصَبُ في الدِّينِ وإفساد عقائد المبتدئين والتوريط في أدبية الضَّلال بتزيين ما للفلسفة من المقال

“Салафи солиҳлардан калом илмига танқидий фикрлар нақл қилинган, шу таъналар аслида калом илмидан мутаассибликни, бошланғич босқичдаги толиби илмларнинг этикоддини бузишни ва нотўғри фалсафий гаплар билан зийнатланган қоидалар орқали одамларни залолат водийсига тортиб кетишни кўзлаганларга тегишлидир” [9: 175-176].

Жумладан, Имом Молик раҳимахуллох шогирдларига насиҳат қилиб айтаркан: “Бидъатдан тийилинглари!” У кишига: “Эй Абу Абдуллоҳ, бидъат –у нима? – дедилар. Имом Молик: “Аҳли бидъатлар шундай бўлади, улар Аллоҳнинг исмлари, сифатлари, каломи, илми ва қудрати ҳақида гапириб юришади. Саҳобалар ва уларга яхшиликда эргашганлар ўзларини тийган мавзулардан тийилмайдилар”, деб жавоб беради” [5: 176].

Имом Моликнинг ушбу сўзига эътибор қилинса маълум бўладики, у киши мутлақо калом илмини эмас, балки салафи солиҳларга эргашмасдан, нотўғри йўлга кириб кетган мутассиб бидъатчи мутакаллимларни танқид қилган.

Имом Шофеъий раҳимахуллоҳнинг ҳам калом аҳли ҳақида қуйидаги танқидий гаплари нақл қилинади: “Калом аҳли ҳақида менинг ҳукмим шуки, уларни савалансин ва туяга ўтиргизилиб, “Китоб ва суннатни тарк этиб каломга юзланган одамнинг жазоси шудир”, деб жар солган ҳолда кўчама-кўча, қабилама-қабила сазойи қилинсин” [2: 65].

Имом Шофеъийнинг бу танқидий сўзи ҳам умумий бўлмаган, балки Аллоҳнинг китоби ва Расулulloҳнинг суннатини тарк қилиб, нотўғри фалсафий қарашларга берилиб, фақат ақлий далилларга ёпишиб олган бидъат йўлидан

бориб, калом илми билан шуғулланганлар ҳақида бўлган.

Аллома Тошкўпризода ҳам мазкур масала юзасидан атрофлича фикр билдирган: “Билингки, салафи солиҳларнинг мужтаҳид ва фуқаҳолардан калом илмини тан олмасликлари ҳақида сўзлар нақл қилинади. Ҳатто улардан нақл қилинган сўзларни ушлаб, асримиздаги фуқаҳоларидан кўпчилик калом илми билан шуғулланувчиларни бу йўлдан қаттиқ қайтаришди ҳам. Натижада калом илмини таҳсил олувчиларнинг хотиржамлиги йўқолди, калом илми ҳақидаги эътиқод-тушунчалари барбод бўлди. Шунга кўра, аҳли суннанинг илми каломи билан авомнинг илми каломини бир-биридан ажратиш олиш учун калом илми ҳақида ҳақиқатни гапириш, бу илм ҳақидаги фатво ва ҳукмларни баён қилиш, турли ҳаёлларга бориб қолган мавҳум тушунчаларни даф қилиш вожиб бўлди” [4: 135].

Шу ўринда Имом Қозихон “Фатовои Қозихон” асарида нақл қилган ушбу ибратли воқеани келтириб ўтиш ўринли: “Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ўғли Ҳаммодни калом илми билан шуғулланишдан қайтарар экан. Шунда ўғил отасига: “Ўзингиз илми калом билан шуғулланар эдингиз-ку, нега мени қайтарасиз?” – деди. Имом Абу Ҳанифа: “Эй болам, биз калом илми соҳасида баҳс-мунозара қилганимизда ҳар биримиз гўёки бошидаги қушни учиш кетишидан кўрққандек, бир-биримизни адашиб қолишидан кўрқар эдик. Бугунга келиб сизлар бир-бирингизни адаштириш, мот қилиш учун баҳс-мунозара қияпсизлар! – дейди”. Имом Қозихон бу борада хулоса сифатида қуйидагиларни зикр қилган: “Калом илмини ўргатиш ва бу фанда мунозара қилиш масаласида фуқаҳолар эҳтиёждан ортиқчаси макруҳ, деганлар” [6: 331].

Демак, калом илми билан шуғулланганлар салафи солиҳлар даврида иккига бўлинган. Биринчиси – Қуръони карим ва суннат таълимотидан чиқмасдан, салафи солиҳлар ортидан изма-из борган, шариатда келган аҳкомларни нақлий далиллар билан бирга ақл билан ҳам исбот қилувчи мутакаллимлар, иккинчиси – ақлни нақлдан устун қўйиб, шариатда келмаган ёки қайтарилган мавзуларга киришиб, тўғри йўлдан адашиб кетган бидъатчи мутакаллимлар. Салафи солиҳлар танқидий фикрларини фақат нотўғри йўлдан юрган мутакаллимларга нисбатан билдирганлар. Аҳли сунна вал-жамоа мутакаллимлари ҳақида эмас, уларнинг ўзлари ҳам калом илми билан шуғулланганлар.

Мотуридия таълимотининг машҳур намоёндаларидан Абу Шакур Солибий Кеший “ат-Тамҳид” асарида калом илмини ўрганиш борасида Имом Абу Ҳанифа ва шогирди Абу Мутъ Балхий ўртасидаги бўлиб ўтган савол-жавобни зикр қилган: “Эй олим, бир гуруҳ менга: “Пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳобалари каломни ўрганмаган”, деди. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ айтди: “Эй таълим олувчи, уларга айт: Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларининг эшиги олдида қилич яланғочлаб турган душмани бўлмаган. Аммо эшигимиз олдида бизга қарши душман қилич яланғочлаб турибди. Эй ўғилчам, бунинг мисоли эшиги олдида қилич яланғочлаб ҳозир бўлган душманга ўхшаш, душманига қарши курашга тайёргарлик кўриши унга вожиб бўлади. Душмани эшиги олдида қилич яланғочлаб ҳозир бўлмаган ҳар бир кишига душманига қарши курашга тайёргарлик кўриш вожиб эмас”. Умар ибн Хаттоб разияллоху анҳудан ривоят қилинади: У зот айтдилар: “Агар қадар аҳлига йўлиқсангиз, уларга биринчи бўлиб савол беринглар”. Бу улар билан мунозара қилиш мубоҳ эканига далилдир. Агар адашган кимсалар ва кофирлар билан мунозара ва баҳс жоиз бўлмаганида улар мусулмонлар устидан ғолиб келар эди ва ҳақ ботилдан ажралмас эди. Чунки ҳақ фақатгина далил ва ҳужжатни юзага чиқариш билан рўёбга чиқади. Ҳужжат ва далилни юзага чиқариш баҳс-мунозара қилиш билан бўлади” [3: 314].

Аҳли сунна уламоларидан илми калом билан шуғулланган, бидъатчи тоифаларга энг кўп раддиялар берган, баҳс мунозараларда уларнинг ботил ақидаларини фош қилиб аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилганлар ичида энг пешқадами сифати имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳни кўрсатиш ўринли. Алломанинг бу фанга доир “ал-Фикҳ ал-акбар”, “ал-Олим вал-мутааллим” “ал-Фикҳ ал-абсат”, “ал-Васия” асарлари машҳур.

Яҳё ибн Шайбон Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳдан ривоят қилади: “Ёш йигитлик чоғимда калом илмида етук салоҳият ва иқтидорга эга бўлганман ва турли фирқа вакиллари билан баҳс-мунозаралар олиб борар эдим. Хусуматчиларимнинг аксари Басрада эди. Басра шаҳрига илмий баҳс-мунозара учун йигирма мартадан кўп борганман. Унда баъзан бир йил, гоҳида озроқ ва баъзида кўпроқ ҳам қолиб кетган кунларим бўлган. У ерда хавориж, мўътазила ва бошқа адашган фирқа вакиллари билан баҳс-мунозаралар олиб борганман.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, уларни ҳар сафар мағлуб этганман. Бидъатчи тоифалар ичида мўътазилалардан кўра тортишувга усталари йўқ. Чунки уларнинг каломи, тортишув услублари ниҳоятда чиройли муқаддималар билан безалганки, кўнгил ҳеч иккиланмай қабул қилиб юборади. Мен уларнинг сўзларидаги безакларини калом илмининг бошланғич қисмидаги қоидалар билан йўққа чиқариб юборар эдим. Рофизий ва муржиалар эса Кўфада кўп эди. Аллоҳга ҳамдлар айтаманки, уларни ҳам мағлуб этиб, эътиқодий хатоларини фош қилиб ташлардим. Ўша даврларда энг шарафли илм бу – илми калом деб ҳисоблар эдим. Кейин орадан маълум вақтлар ўтди. Ўйландим: “Саҳобалар, тобеинлар биз билган нарсалардан кўпроғини билардилар, лекин улар тортишув, баҳс-мунозаралар билан вақтини кетказишмаган. Улар асосий вақтларини фикҳга сарфлаганлар, шу илмда суҳбат қилганлар”. Шундан кейин фикҳга киришиб умримни шу илмни ривожлантиришга бағишладим” [4: 136].

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ умрининг кейинги даврида калом илмида чуқур кетиб адашган фирқа вакиллари билан мунозаралар қилишдан чарчаган ва улар билан тортишувни тўхтатиб, фикҳ илмига шўнғиб кетганлар. Натижада фикҳ илмида даврининг даҳосига айланган, шу илмда шухрат қозонган, оламга буюк фақиҳ сифатида донг таратган.

Аллома Абу Шакур Солимиий калом илмини ўрганиш қанчалик зарур ва муҳим эканини ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа ва унинг ўғли Ҳаммод ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб орқали баён қилган: “Ҳаммод отаси Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилади, яъни отасидан сўради: “Эй ота, агар калом илмини ўрганмасам менга зарари борми?” Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ айтди: “Бир жиҳатдан зарар қилмайди, бошқа бир жиҳатдан зарари бор. Чунки Аллоҳ таоло калом ҳақида сўрамайди (яъни бу жиҳатдан сенга зарари йўқ). Агар сен калом илмини билмасанг, қандай қилиб одамлар билан баҳс-мунозара қиласан. Бу жиҳатдан калом илмини билмаслигинг сенга зарар. Ваҳоланки, Пайғамбар алайҳиссалом: “Имон арқонларининг энг мустаҳками – Аллоҳ таоло учун яхши кўриш ва Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш”, деганлар. Агар сен бидъатчини бошқасидан ажрата олмасанг, яъни қандай Аллоҳ учун яхши кўрасан ва қандай қилиб Аллоҳ учун ёмон кўрасан. Эй ўғилчам, бунинг мисоли усти ёпиб қўйилган кудук каби, агар уни билмасанг, унга тушиб кетасан” [3: 314].

ХУЛОСА

Юқоридагиландан маълум бўладики, турли даврларда жоҳиллигидан келиб чиқиб ёки қасдан ислом дини эътиқодий масалалар борасида нотўғри ақидавий қарашларни илгари сурадиган фирқа ва оқимлар фаолият юритган. Улар ўзларининг нотўғри қарашларини мусулмонлар ўртасида ёйишга ҳаракат қилган. Бунинг натижасида мусулмонлар ўртасида кўпгина ихтилофлар ва келишмовчилик келиб чиққан. Аҳли сунна вал-жамоанинг забардаст уламолари адашган фирқаларнинг нотўғри қарашлари ва эътиқодларини фош этишга ва уларга раддиялар беришга ҳаракат қилишган.

Хулоса сифатида ҳар даврда илм аҳли бўлган уламолар ва зиёлилар ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига катта эътибор қаратиши лозим эканини айтиб ўтиш мумкин. Аҳли сунна вал-жамоанинг соф эътиқодий қарашларини ҳимоя қилиши ва мусулмонлар ўртасида турли фитна ва келишмовчиликлар тарқалишини олдини олишга ҳаракат қилиши уламоларнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмон ибн Халдун. Муқаддимату ибн Халдун. – Байрут: Дор ал-фикр. – Ж. 1. 2016.
2. Абдурашид қори Баҳрамов. Имоми Аъзам асарлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
3. Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Солимиий Кеший. Ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид // Таржима ва изоҳлар муаллифи Примов Соатмурод. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.
4. Аҳмад ибн Мустафо Тошқубризода. Мифтоҳ ас-саъода ва мисбоҳ ас-саъода фи мавзӯот ал-улум. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-имия, – Ж. 2. 2017.
5. Доктор Абдулмалик ибн Абдурахмон. Шарҳ ал-ақоиди ан-насафия. – Байрут: Дор ан-нур ал-мубин, 2014.
6. Доктор Абдурахмон Умайра. Таълиқ ала Шарҳ ал-мақосид. – Қоҳира: Олам ал-кутуб. – Ж. 1. 2014.
7. Фахруддин Қозихон. Фатово Қозихон. Дор ал-кутуб илмия. – Байрут: Дор ал-фикр, – Ж. 3. 2017.
8. Имом Масъуд ибн Умар Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. – Қоҳира: Олам ал-кутуб, – Ж. 1. 2012.
9. Жалолуддин Суютий. Савн ул-мантиқ вал-калом ʻан фаннайил-мантиқ вал-калом. Силсилату Ихё ут-турос ал-исломий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, – Ж. 1. 2018.
10. Шайх Маймун ибн Муҳаммад ан-Насафий. Баҳр ул-калом. – Дамашк: Мактабату дор ал-фарфур, 2011.